This article describes in detail the rights and privileges of women. Along with the analysis of the national legal system of the Republic of Uzbekistan and normative legal acts, the experience of developed countries was studied and analyzed. There were described the registration of children born to single mothers and benefits to mothers.

The author made suggestions based on analysis. In particular, it is desirable to create a legal definition for the single mother sentence and to reflect it in the Family Code of the Republic of Uzbekistan. Secondly, to be considered as a single mother, not only is it not in a legal marriage, but a woman in a legal marriage can provide her child alone for subjective reasons, unless she is legally divorced; There is a legal marriage, but such circumstances as early death of a spouse must also be taken into account. Thirdly, it is desirable to unify normative legal acts that protect the legal protection of single mothers in the national legal system.

Keywords: single mother, child, legal marriage, pregnancy, privilege, Family Code of the Republic of Uzbekistan.

Абдурахмонова Хосиятхон Бахтиёржон қизи,
Исполнитель обязанности профессор кафедры
«Общего права» Таможенного института
Государственного таможенного
комитета Республики Узбекистан,

Доктор юридических наук (DSc).

E-mail: xosiyat.1986@mail.ru

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ЗАЩИТА МАТЬ-ОДИНОЧКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРИМЕР НАЦИОНАЛЬНОЙ ПРАВОВОЙ СИСТЕМЫ И ПРАКТИК РАЗВИТЫХ СТРАН

АННОТАЦИЯ

В этой статье подробно описываются права и привилегии женщин. Наряду с анализом национальной правовой системы и нормативных актов был изучен и проанализирован опыт развитых стран. Описаны регистрация детей, рожденных от матерей-одиночек, и пособия матерям. Автор сделал предложения на основе анализа. В частности, желательно создать юридическое определение приговора для одинокой матери и отразить его в Семейном кодексе Республики Узбекистан. Во-вторых, чтобы считаться матерью-одиночкой, она не только не вступает в законный брак, но и женщина, состоящая в законном браке, может предоставить своего ребенка в одиночку по субъективным причинам, если только она не развелась по закону; Существует законный брак, но такие обстоятельства, как ранняя смерть супруга, также должны быть приняты во внимание. В-третьих, желательно унифицировать нормативно-правовые акты, защищающие правовую защиту матерей-одиночек в национальной правовой системе.

Ключевые слова: мать-одиночка, ребенок, законный брак, беременность, льгота, Семейный кодекс Республики Узбекистан.

Хосиятхон Абдурахмонова Бахтиёржон қизи,

Ўзбекистон Республикаси Давлат
божхона қўмитаси Божхона институти
“Умумхуқуқий фанлар” кафедраси
профессори вазифасини бажарувчи,
Юридик фанлар доктори (DSc)
E-mail: xosiyat.1986@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЁЛҒИЗ ОНАЛИКНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҲИМОЯЛАНИШИ: МИЛЛИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ВА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР АМАЛИЁТИ МИСОЛИДА

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада аёлларнинг ҳуқуқлари ва уларга белгиланган имтиёзлар атрофлича ёритиб ўтилган. Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқ тизими ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили билан бир қаторда ривожланган мамлакатлар амалиёти ҳам ўрганилди ва таҳлил этилди. Ёлғиз онадан туғилган болаларнинг расмийлаштирилиши ва оналарга бериладиган имтиёзлар баён этилди.

Муаллиф томонидан таҳлиллар асосида таклифлар баён этилди. Хусусан, ёлғиз она жумласига ҳуқуқий таърифни яратиш ва Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида акс эттириш мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, ёлғиз она сифатида қаралиши учун фақатгина қонуний никоҳда бўлмаганлик ҳолатигина эмас балким, қонуний никоҳда бўлган аёл турмуш ўртоғи билан қонуний ажрашмаган ҳолатда, субъектив сабабларга кўра боласини ёлғиз ўзи парвариш қилиши; қонуний никоҳи мавжуд, бироқ турмуш ўртоғининг эрта вафот этиши каби ҳолатлари ҳам инобатга олинishi лозим. Учинчидан, миллий ҳуқуқ тизимида ёлғиз оналарни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатларни унификация қилиш мақсадга мувофиқдир.

Калит сўзлар: ёлғиз она, бола, қонуний никоҳ, ҳомиладорлик, имтиёз, Оила кодекси.

The global pandemic of COVID-19, as well as restrictive measures related to the spread of coronavirus infection, have significantly altered normal lifestyles by affecting socio-economic

development processes. In Uzbekistan, as in other countries, measures are being taken to support the economy, small business and private entrepreneurship, reduce quarantine restrictions and their negative impact.

In addition, the Government has approved a temporary procedure for the employment of family members whose social status and living standards have deteriorated in the context of the coronavirus pandemic in order to support vulnerable segments of the population. At the same time, in order to ensure the peace of the population, to raise the system of work with families and women to a new level, to further strengthen the social protection of single and large children, the President of the Republic of Uzbekistan on February 18, 2020 Decree №5938 "On measures to support and bring the system of work with families and women to a new level." The decree established the Ministry of Mahalla and Family Support of the Republic of Uzbekistan and its branches in the Republic of Karakalpakstan, regions, the city of Tashkent and districts (cities). The main tasks and activities of the Ministry have been identified. In particular, to pursue a unified state policy aimed at strengthening the family, first of all, the implementation of the idea of "Healthy family - healthy society", the organization of targeted assistance to troubled and troubled families;

ensuring the effective implementation of state policy to support women, protecting their rights and legitimate interests, increasing their role and activity in the socio-political life of the country, ensuring equal rights and opportunities for women and men;

timely identification of women's problems, provision of social, legal, psychological and financial assistance to women in need and in difficult social situations, including women with disabilities;

comprehensive targeted support for women's employment, improvement of working conditions, wide involvement of women, especially young girls in rural areas in family and private entrepreneurship, crafts;

development of proposals to support the activities of citizens' self-government bodies, protection of their rights and legitimate interests, development of the mahalla system;

strengthening the role and place of citizens' self-government bodies in society, working with the daily problems of the population and increasing the role of effective public control;

strengthening cooperation between law enforcement agencies, other government agencies and public organizations in ensuring the rule of law and crime prevention in the community.

There is a growing number of pertinent questions about the formation of a social protection system during the pandemic, especially among single mothers. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 3, 2020 "On additional measures to support the population, sectors of the economy and businesses during the coronavirus pandemic", July 30, 2020 The decree "On additional measures" eliminated this problem.

Since the announcement of quarantine in our country, the issue of social support has been identified as an urgent task. In this regard, by the decision of the Republican Special Commission on the basis of the Ministry of Mahalla and Family Support was established Center for Coordination of Sponsored Charities.

One of the priorities of the system of national law is the consistent application of the theory and practice of law. This leads to the clear application of the regulations in practice. In particular, priority tasks and goals are set in the areas of citizenship, family, labor, business and customs law.

Today, protection of the rights of family relations helps to ensure strict and strict observance of laws in the society and proper and effective implementation of their obligations to solve national problems.

Wide-ranging program activities in all areas of state policy are being implemented in our country. Including In the Strategy of Action for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, it is planned to “increase social and political activity of women, strengthen their role in state and public administration, ensure employment of women, graduates of vocational colleges and their involvement in entrepreneurship. Strengthening family foundations”. [1]

The President of the Republic of Uzbekistan says: It is no secret that most of the population, especially in rural areas, does not have sufficient sources of income. As in any other country, we have low-income populations. According to various estimates, they are about 12-15%. This is not about small numbers, but about 4-5 million people".[2] After all, "When a family is a small country, when a family is at peace, when a family is happy, the country is at peace.[3]

This indicates the need for further improvement of legal acts regulating family relations in the country.

In particular, in the areas of education, labor, entrepreneurship, health care and law enforcement in the area of protection of maternal rights, benefits are provided by the following legal acts:

1. It is prohibited to refuse recruitment of women and reduce their wages due to pregnancy or having children. In case of refusal to hire a pregnant woman or a woman with children under three years of age, the employer must inform them in writing of the reasons for refusal.

2. According to a medical report, the rates of production, service rates of pregnant women will be reduced or they will be transferred to a job that is less or less affected by factors of production, with the average monthly salary retained.

A pregnant woman should be released from work with the average monthly wage for all working days, unless the employment issue is resolved due to lighter or more adverse productive factors.

3. If women with children under two years of age cannot do their job before the child reaches the age of two, she will be transferred to work where the average monthly wage in the previous job is less or less affected by unfavorable production factors.

4. It is not allowed to hire pregnant women and women with children under the age of fourteen (disabled children under the age of sixteen) without night's permission, overtime, overtime work, weekends and business trips. At the same time, engaging pregnant women and women with children under the age of three is allowed to work at night only if there is a medical opinion proving that such work does not pose a threat to maternal and child health.

5. Women with children under three years of age who work in institutions and organizations financed from the budget shall be granted shorter working hours not more than thirty-five hours per week.

6. At the request of a pregnant woman, a woman having a child under the age of fourteen (with a minor child under sixteen), including a caregiver or caregiver of a family member, the employer shall provide them with an incomplete working day or set an incomplete working week.

7. A single father, single mother (widow, divorce, single mother), who brings up one or more children under the age of fourteen (disabled under the age of sixteen), and spouses of servicemen, their annual leave at any time during the summer or at any other time convenient for them.

8. Women who have two or more children under the age of twelve or a disabled child under sixteen years shall be granted additional paid leave every year for at least three working days.

Women who have two or more children under the age of twelve or a disabled child under the age of sixteen are granted leave at their discretion for no less than fourteen calendar days each year. Such leave may be added to the annual leave or may be used separately (in whole or in part) during the time agreed with the employer.

9. Women are given maternity leave with a period of seventy calendar days before birth and fifty-six calendar days after birth (seventy calendar days in case of childbirth or two or more children).

The maternity leave is calculated in aggregate and is given to the woman in full, regardless of how many days of maternity leave.

10. A woman may also be provided with additional leave to maintain her child until the child reaches three years of age.

A woman's workplace is maintained during childcare leave. These vacations will be added to the seniority, but not more than three years, including the length of service in the specialty.

11. Women who have children under two years of age are given extra breaks in addition to the rest for meals and meals. These breaks are given at least once every three hours for no less than thirty minutes each. If you have two or more children under the age of two, the break time is set at least one hour.

Breast feeding breaks are included in the working hours and are paid based on the average monthly salary.

At the discretion of a woman who has children, the child's feeding breaks can be added to the break for rest and meals, or summarized and transferred to the beginning or end of the work day (shift), and the work day (shift) accordingly.

12. Termination of employment contracts with pregnant women and women with children under the age of 3 shall not be permitted on the initiative of the employer, except in cases where the enterprise is completely liquidated. The employment of these women shall be carried out by the local labor authority with the provision of appropriate social payments established by the legislation for the period of their employment.

13. Pregnant women who are responsible for the development of information technology and communications of government agencies and other budget organizations, women on maternity leave between the ages of two and three, are not subject to certification during the first year after their employment.

14. Women with the relevant work experience may retire at the age of fifty-four.

The country has a public fund for the support of women and families whose main tasks are to provide comprehensive support to women and families, including financial support for women and families in difficult social situations, women with disabilities, assistance to women in the organization of family and private entrepreneurship, crafts, acquisition of knowledge and skills in professions in demand in the labor market.

In accordance with the law, women who are in a difficult social situation are provided with preferential housing. At the same time, the initial contribution (25%) is paid by the special fund or the organization where the applicant works.

Under criminal law there are restrictions on the use of certain penalties for women. In particular, mandatory public works or corrections as a criminal punishment do not apply to pregnant women and women with children under the age of three.

In addition, pregnant women and women with children under three years of age may not be sentenced to imprisonment if they are negligent or intentionally commit a less serious crime.

A woman may not be sentenced to long-term imprisonment (no more than 20 years and not more than 25 years) or life imprisonment.

It is also considered that the commission of a crime by a pregnant woman is a mitigating circumstance. [4]

Adoption of the Family Code of the Republic of Uzbekistan has ensured the proper and uniform application of laws, guaranteed legal protection of family relations.

In particular, the legal registration of births proper settlement by the registry offices and courts will ensure the protection of children's rights and increase the responsibility of parents in the upbringing of their children, and prevent parental rights exercising for the benefit of their children.

In particular, timely and correct resolution by concerned agencies, such as the registry office and judges, is one of the key safeguards for the protection of children's and family interests. Article 60 of the Family Code of the Republic of Uzbekistan states that "the birth of a child from this mother (motherhood) is determined by the civil registry body, based on the documents of the medical institution, and if the child is not born in the medical institution."

Also, the order of the Minister of Justice of the Republic of Uzbekistan from December 31, 2013 of №. 400 "About the order of record keeping in acts of civil status" establishes the procedure for registration of birth of a single mother. According to the Instruction, a single mother (not in a legal marriage) is required to submit a document and a written application to the registry office for birth registration. If the mother of the born child is underage, the birth registration shall be recorded

by the registry office of the mother's place of residence based on the birth certificate of the child and the application of the guardianship and guardianship body.

At the same time, the mother's birth certificate or birth certificate must be provided with a residence permit. In the case of a single mother, the surname of the mother and father should be indicated in the same name as the mother's name. The surname of the child may be given by the mother under the name of the grandfather or, according to national traditions.

In case of a single mother's failure to register the birth certificate, the signature of the mother in the application must be certified by the signature of the medical institution or official of the penitentiary or the stamp of the institution. A single mother is issued a certificate of registration of the birth of her child. [5]

In developed countries, state benefits are also provided to single mothers. In France, in particular, single mothers are fully protected by the state. Each year, separate programs on social, economic and legal protection of single mothers are adopted by the government. These programs are divided into types of single moms working and not working, with separate benefits. In particular, there are discounts and benefits on taxes, housing, school fees.

For example, the French government is from the state budget In 2019, she provided € 177.5 for each single mother. In addition, the government allocates an average of € 87 per month for additional mothers' monthly child support expenses. In addition, the government allocates 300 euros each year to the costs of schooling for single mothers each August. The amount of school fees is determined based on age censors. [6]

In China state sponsors are appointed for single mothers. The birth certificate should also be issued as soon as the child is born. Children born to single mothers are given a document called "xukou", which specifies the child's permanent place of residence.

The state has set a fixed rate for single mothers and will pay 10,000 yuan (\$ 1,560). According to the xukou document, housing and other social protection is fully guaranteed if the child is provided with residence in urban areas. If addresses are located outside the city, other social rights, except housing. The government pays up to 5,000-9,000 yuan a month if the mother works alone or as a civil servant. In addition, there are benefits for kindergartens, schools and higher education. [6]

According to USA law, 83 percent of single mothers are officially registered. Each state has its own programs to protect single mothers. Mayors are responsible for the timely implementation of these programs. Economic, legal, and social protection has been fully protected, from the time of single mother care to the child's (18-20) age. Each month, the social security services are provided with full guarantees. Each child is provided with free health insurance and a separate doctor and nursing service, and up to \$ 300 worth of medication. [7]

In Poland, single mothers make up 25% of the population. It is imperative that there are serious reasons for being single. If the father of the child is known or suspected, the state will be subjected to DNA testing, where paternity is established, and the payment of alimony from the father to the child and the mother. For every single mother 40 euros a month are paid by the state. This amount depends on the age of the child, Adds to € 12-17. If a single mother works for the government 25 euros will be paid in addition and housing will be provided by social security services at half the price of the home. If a single mother is incapable of working, she is paid an additional 70 euros a month and is provided with free housing. In addition, 300 euros per month for utilities are paid by the government each month.

The Japanese government pays 230 yen a month for single mothers. The registration of all children's documents is fully guaranteed by the government. Employment of a single mother is guaranteed by the state.

There are various programs for single mothers in Germany, including mother and child health programs, educational programs, social protection and housing programs, programs for unemployed single mothers, tax deduction programs. The state pays up to 235-300 euros per month for single mothers. Each program establishes additional payments for single mothers and pays them to a special account opened for them.

In England, state protection is provided for single mothers on the grounds of their employment and housing. The government pays 250-300 funds. In addition, each government sets its own annual social protection programs, based on its functions and powers. [7]

The following recommendations are based on the analysis.

Firstly, it is desirable to create a legal definition of a single mother and to reflect it in the Family Code of the Republic of Uzbekistan.

Secondly, to be considered as a single mother, not only is it not in a legal marriage, but a woman in a legal marriage can provide her child alone for subjective reasons, unless she is legally divorced; There is a legal marriage, but such circumstances as early death of a spouse must also be taken into account.

Third, it is desirable to unify normative legal acts that protect the legal protection of single mothers in the national legal system.

References/Сноски/Иқтибослар:

-
1. <https://lex.uz/docs/3107036>
 2. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>
 3. <http://xs.uz/uz/site/newspaper>
 4. <https://lex.uz/> ; <https://www.minjust.uz/uz/activity/bringing>
 5. <https://lex.uz/docs/2308332>
 6. <http://www.demoscope.ru/weekly/2011/0449/analit03.php>; <https://rg.ru/2011/06/10/tam.html>
Electronic address to the website 12.08.2019. The information is given in Russian.
 7. <https://iq.hse.ru/news/177669903.html>; <https://rg.ru/2011/06/10/tam.html> Electronic address to the website 12.08.2019. The information is given in Russian.


ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.04-ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО. ХОЗЯЙСТВЕННОЕ
ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО. ТРЕТЕЙСКИЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ

Пирматов Отабек Шавкатович,
Тошкент давлат юридик университети
катта ўқитувчиси,
Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: pirmatov.otabek.89@inbox.ru

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ РАҚАМЛАШТИРИШДА ЭЛЕКТРОН ДАЛИЛЛАРНИ БЛОКЧЕЙН ДАСТУРИГА СОЛИШНИНГ ЗАРУРАТИ

For citation: Pirmatov Otabek Shavkatovich. THE NEED TO INCLUDE ELECTRONIC EVIDENCE IN THE BLOCKCHAIN PROGRAM IN THE DIGITALIZATION OF CIVIL CASES. Journal of Law Research. 2020, vol. 10, issue 5, pp. 24-30

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-10-4>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола фуқаролик суд ишларини юрителишда блокчейн технологиясига асосланган далилларни мақбул далил сифатида баҳолаш муаммоларига бағишланади.

Фуқаролик суд ишларини юрителишда далилларни баҳолаш мезонлари: далилнинг алоқадорлиги, далилларнинг ишончилиги, далилларнинг мақбуллиги муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик суд ишларини юрителишда рақамли далилларнинг мақбуллиги далилларни баҳолаш муаммоларидан биридир. Хорижий давлатларда блокчейн дастуридаги электрон далиллар судлар томонидан мақбул далил сифатида баҳоланиб келинмоқда.

Калит сўзлар: блокчейн, онлайн, рақамли, фуқаролик ишлари бўйича суди, Интернет, платформа, дастур, смарт, электрон далил.

Пирматов Отабек Шавкатович,
Старший преподаватель Ташкентского
государственного юридического университета,
Доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: pirmatov.otabek.89@inbox.ru

НЕОБХОДИМОСТЬ ВКЛЮЧЕНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ В ПРОГРАММУ БЛОКЧЕЙН ПРИ ОЦИФРОВКЕ ГРАЖДАНСКИХ ДЕЛ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются проблемы оценки доказательств, как допустимостимых доказательств в гражданском судопроизводстве, основанных на технологии блокчейн. Важную роль играют критерии оценки доказательств в гражданском судопроизводстве: относимость доказательств, достоверность доказательств, допустимость доказательств. Одной из проблем при оценке доказательств в гражданском судопроизводстве является допустимость цифровых доказательств. В зарубежных странах электронные доказательства в программе блокчейн оцениваются судами допустимыми доказательствами.

Ключевые слова: блокчейн, онлайн, цифровой, суд по гражданским делам, интернет, платформа, программа, смарт, электронные доказательства.

Pirmatov Otabek Shavkatovich,

Senior Lecturer of Tashkent State University of Law,

Doctor of Philosophy in Law

E-mail: pirmatov.otabek.89@inbox.ru

THE NEED TO INCLUDE ELECTRONIC EVIDENCE IN THE BLOCKCHAIN PROGRAM IN THE DIGITALIZATION OF CIVIL CASES

ANNOTATION

This article is devoted the problem of evaluating blockchain based evidence as admissibility evidence in civil proceedings. Criteria of the evaluation of evidence in civil proceedings: the reliability of evidence, the relevance of evidence the admissibility of evidence is important.

The admissibility of digital evidence in civil proceedings is one of challenges in evaluating evidence. In foreign countries, electronic evidence in blockchain program is considered admissibility by the courts.

Keywords: blockchain, online, digital, civil court, Internet, platform, program, smart, electronic evidence.

Иқтисодий ва фуқаролик суд ишларида тарафлар тортишувчанлик ва тенглик принципи асосида ўз талаб ва эътирозларини асослайдиган далилларни тақдим қилиш билан фуқаролик ёки иқтисодий суд ишини ўз фойдасига ҳал қилишга ҳаракат қилади. Иқтисодий ва фуқаролик суд ишларида суднинг ҳал қилув қарори тарафлар тақдим этган далилларга ва уларни исбот қилишга қаратилган ҳаракатига узвий боғлиқдир.

Ҳуқуқшунос олим Э.Эгамберидиев фикрига кўра, маълум ҳуқуқларга эга бўлган шахс ўзига тегишли ҳуқуқларни қонунда белгилаб қўйилган тартибда белгилаб бериш ва уни амалга ошириш учун асос бўлган ҳолатларни тегишли далилларга таянган ҳолда исботлаб, асосламасдан туриб, ўзига тегишли ҳуқуқларни амалга оширолмайди. Айрим ҳуқуқларнинг ҳақиқатан ҳам шахсларга тегишли эканлигини белгиловчи фактлар, албатта, иш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни исботлашга хизмат қилувчи далиллар негизида текширилиб, исботланиши керак [1].

Исботлаш ва далиллар фуқаролик, жиноий, маъмурий, иқтисодий процессуал ҳуқуқнинг институти эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқдир [2].

Фуқаролик суд ишларини рақамлаштиришда электрон далилларга оид нормаларни процессуал қонунчиликка жорий этиш ҳамда электрон далилларни баҳолашда далилларнинг мақбуллиги муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ривожланган хорижий давлатларнинг процессуал қонунчилигида рақамли далилларга оид нормалар амалга киритилган. Рақамли далилларга оид тадқиқот ишларини ҳам олиб борилмоқда.

Шон Гудисон, Роберт Девис, Брайн Жексонлар рақамли далилларга (digital evidence) қуйидагича таъриф беришади: рақамли далиллар (digital evidence)- ўзида ахборот ва

маълумотлар базасини сақловчи, қабул қилувчи ҳамда ўтказувчи электрон қурилма. Рақамли далиллар қуйидаги ўзига хос хусусиятлар эга:

- рақамли далил ўзида катта ҳажмга эга бўлган ахборотни сақлай олади;
- у ўзида моддий ва номоддий хусусиятни мужассамлаштирган;
- уни ноқонуний йиғилиши жиноятга сабаб бўлади [3].

Шунингдек америкалик ҳуқуқшунос Ричард Сефрейстен фикрига кўра рақамли далиллар ноль-бир санок системасида ишлайдиган дастурларда сақланадиган, қайта ишланадиган ахборотлар бўлиб, улар қуйидаги белгиларга эга:

- улар махфий бўлади (махсус бармоқ излари, ДНК билан очилади);
- кичик ҳаракат билан уларни ўзгартирса, йўқ қилса бўлади;
- сезувчан бўлади;
- қонунчилик билан тез-тез ва осон тўқнашади [4, Р. 25];

Ҳуқуқшунос Ричард Сефрейстен фикрига қўшилган ҳолда шуни айтиб ўтиш керакки, рақамли далиллар иккилик санок (0 ва 1) тизимида яратилади, қайта ишланади ва йўқ қилинади. Бугунги кунда барча компьютерлар, мобиль телефонлари, робот машиналари иккилик санок системасида ишлайди.

Ҳуқуқшунос Антон Фейзулла-Заденинг фикрига кўра, электрон маълумотлар иккилик санок (0 ва 1) тизимида ишловчи рақамли далиллар бўлиши, улар матн, расм, аудио, видео ва бошқа шакллардаги маълумотлар бўлиши мумкин[5].

Рақамли далил иккилик санок системасида сақланадиган, узатиладиган ҳамда суд томонидан тан олинадиган далилдир. «Рақамли» жуда кенг тушунча бўлиб, биз бу сўзни иккилик санок тизими (binary) билан ҳамоҳанг ишлатамиз.

Доктор Сворупа Дҳолам фикрича рақамли далил ибораси компьютер ва электроника қурилмаларига нисбатан ишлатилиб, улар иккилик санок системасидаги расмлар ва рақамли овозлардир [6].

Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай далил рақамли далил бўла олмайди, рақамли далил тушунчаси электрон далил тушунчасига нисбатан торроқ тушунчадир. Оддий форматда (аналог) олинган аудио ёки видеоёзувлар, яъни видео кассета, аудио кассета, пластинка ёзилган аудио ёки видеоёзувлар рақамли далил ҳисобланмайди. Агарда аудио ёки видеоёзувлар HD (high-definition) форматида ёзилган бўлса, улар судда рақамли далил сифатида қабул қилинади. Рақамли далиллар нафақат овоз, тасвир кўринишида, балки, жадвал, белгилар, графиклар, кордината ўқлари кўринишида ҳам бўлади. Рақамли далил иккилик санок тизимида яратилган далиллардир, шу боис далилларни рақамли деб номлаш уларнинг яратилиш дастуридан келиб чиқилади.

Электрон далилларнинг мақбуллиги нормаси АҚШда ҳам риоя қилинмаслиги тўғрисидаги америкалик олим Паул Гримм ўз фикрини билдириб ўтган. Хусусан, АҚШнинг “Далиллар тўғрисида”ги Федерал қонуни 104 (а)-моддасида суд мазкур иш бўйича берилган саволларга тасдиқ топадиган далиллардан бошқа ҳеч қандай далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмас дейилган. Бироқ ҳал қилув қарорларини қабул қилишда электрон далилларнинг мақбуллиги судьяларнинг яқка ўзи томонидан ҳал қилинмоқда. Электрон далилларнинг алоқадорлиги, тўғри далиллиги ҳамда мақбуллиги гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертнинг ҳулосаси асосида қабул қилинмоқда ҳамда суд ишларининг асосий қисми ёзма ҳужжатларга асосланмоқда. Шунингдек Паул Гримм электрон далилларни алоқадорлигини судьяларнинг яқка ўзи ҳал қилмаслиги лозимлигини таъкидлайди [7].

Ауқаролик суд ишларини юритишда судьялар томонидан электрон далилларнинг мақбуллигига йўл қўйилмаслигининг асосий сабабларидан яна бири - уларнинг процессуал қонунчилигимизда аниқ кўрсатилмаганлиги ҳамда виртуал фуқаролик муносабатлар норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмаганлигидир. Айни шу туфайли судга тақдим қилинган электрон далиллар судьялар томонидан баҳоланмайди ёки уларга нисбатан гувоҳлик кўрсатмалари, мутахассис фикри, эксперт ҳулосаси, яъни исботлаш воситалари ёрдамида исботланади.

Электрон далилларнинг мақбул эмаслиги уларни судга тақдим этишда тарафлар томонидан уларга нисбатан эътиборсизлик ҳолатларини келтириб чиқармоқда.

Электрон далилларнинг мақбуллигини таъминлашда уларнинг ҳар бир турини эътиборга олиш лозим.

Бизга маълумки фуқаролик суд ишларини юритишда далилларни баҳолаш мезонлари мавжуд: далилнинг алоқадорлиги, далилларнинг ишончилиги, далилларнинг мақбуллиги.

Далил ҳар учала баҳолаш мезонига жавоб берагина у суд томонидан далил сифатида баҳоланади.

Рақамли далилларнинг мақбуллиги фуқаролик суд ишларини юритишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал қонунчилигига асосан суд далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини жамлаб, уларни суд мажлисида қонунга амал қилган ҳолда, ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолис кўриб чиқишга асосланган ўз ички ишончи бўйича баҳо беради.

Ҳар бир далил алоқадорлик, мақбуллик ва ишончилик нуқтаи назаридан, далилларнинг мажмуи эса етарлилик нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Агар текшириш натижасида далилнинг ҳақиқатга тўғри келиши аниқланса, у ишончли деб топилади.

Ҳеч бир далил суд учун олдиндан белгилаб қўйилган кучга эга эмаслиги белгилаб қўйилган.

Электрон далилларни мақбуллиги фуқаролик суд ишларини юритишда суд далилларни баҳолаш муаммоларидан биридир.

Хорижий давлатларда электрон далилларни мақбуллигини таъминлашда уларни блокчейн дастурига ўтказиш ёки блокчейн дастуридаги далиллар мақбул далил сифатида баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

АҚШнинг Иллинойс, Виржиния, Вашингтон, Аризона, Нью Йорк, Огайо штатларининг қонунчилигида блокчейн дастуридаги далиллар суд томонидан мақбул далил сифатида баҳолаш белгилаб қўйилган [8].

Иллинойс штатининг 2020 йилда қонуний кучга кирган “Блокчейн технологиялари тўғрисида”ги қонунига асосан “Smart contract”лар, яъни ақлли шартномалар судларда мақбул далил сифатида баҳоланиши белгиланган.

Виржиния штатининг процессуал қонунчилигига асосан блокчейн технологияси асосида рўйхатдан ўтган электрон шартномалар судлар томонидан мақбул далил сифатида баҳоланши лозим.

Умуман олганда АҚШнинг 32 штатининг қонунчилигида блокчейн технологияси асосида яратилган шартнома, битим ва бошқа ҳужжатлар судлар томонидан мақбул далил сифатида баҳоланши белгиланган [9].

Блокчейн бу файл ёки объект билан бажариладиган ҳаракатларни фпйлга хос бўлган кодга шифрлашга ёрдам берадиган технология. Ушбу шифрлашни ўчириб, ўзгартириб ёки айланиб бўлмайди, бу эса файлларнинг ёзувларини бутунлай шаффоф қилиб туради: у билан қандай транзакциялар, қачон ва ким томонидан амалга оширилганлиги ҳар доим бўлади [10].

Шу боис ҳам хорижий давлатлар қонунчилигида блокчейн технологиясини шартномалар кенг жорий этилмоқда.

Хитой Халқ Республикасида 2018 йил июнь ойида Гуанжо Интернет суди ташкил этилди. Хуанчжо Интернет суди блокчейн технологиясига асосланган далиллар судлар томонидан мақбул далил сифатида баҳоланиши лозим.

Шунингдек 2018 йилда Хитой Халқ Республикаси Олий суди томонидан блокчейн технологиясига асосланган далиллар судларда мақбул далил сифатида баҳоланшини белгиланди.

2018 йилда Озарбайжон Республикаси Адлия вазирлиги мамлакатда электрон нотариат, электрон суд, электрон хизматларни жорий этишни эълон қилди. Озарбайжон Республикасида мобил нотариат орқали нотариал ҳаракатлар блокчейн технологиясига асосан фаолият юритишга ўтишга тайёргарлик кўрмоқда.

Шунингдек Озарбайжон Республикасида электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув, газ билан боғлиқ шартномалар ҳам келгусида блокчейн технологиясига асосан тузилишини режалаштирмоқда.

2019 йил январь ойида Италия Республикасида “Smart contract”лар, яъни ақлли шартномаларга оид қонун қучга кирди.

Мазкур қонунга асосан “Smart contract”лар, яъни ақлли шартномалар судларда мақбул далил сифатида баҳоланиши белгиланган [11].

Блокчейн технологияси тармоқни шакллантиришнинг янги усули. Бугунги кунда интернет тизимдаги деярли барча хизмат кўрсатиш тизимлари марказлашган тармоқ асосида ишлайди, яъни маълумотлар омбори марказий серверда жойлашган ва фойдаланувчилар маълумотларни ушбу серверга боғланиш орқали олишади, блокчейн технологиясининг асосий фарқи шундаки, унда марказий серверга ҳожат йўқ ва тармоқнинг барча иштирокчилари тенг ҳуқуққа эга. Тармоқдаги маълумотлар базаси ҳар бир фойдаланувчининг ўзида сақлайди[12].

Блокчейн технологиясига асосланган далиллар судлар томонидан мақбул далил сифатида баҳоланиши асосий сабаларидан бири блокчейн технологияси шафоф, яъни инсон омили таъсир кўрсатмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832 сонли Қарорида “блокчейн” технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифаларидан бири деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хизматлари агентлиги асосан 2020 йил декабрь ойидан бошлаб мамлакатимиздаги ФХДЁлари блокчейн технологиясига асосан фаолият юртиши белгиланди. Бизнинг назаримизда мамлакатимизда блокчейн технологиясини кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек мамлакатимизда Жанубий Корея технологияси асосида электр энергиясини блокчейн технологиясига асосланган ҳолда тарқатиш ишлари амалга оширилмоқда. Балки, келажакда мамлакатимизда электр энергиясига оид шартномалар блокчейн технологияси асосида тузилиши мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832 сонли Қарорида смарт-контракт (рақамли транзакцияларни автоматик тартибда амалга ошириш орқали ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилишини назарда тутувчи электрон шаклдаги шартнома)ларни ривожлантириш белгилаб берилган.

Блокчейн технологияси асосланган далилларни хорижий мамлакатларда мақбул далил сифатида баҳоланишининг асосий сабаби унинг технологик тузилишидир. Унинг ўзига хос қуйидаги хусусиятларини кўришимиз мумкин:

- тарафларининг бирирининг ихтиёрига асосан блокчейн технологияси асосланган ҳужжатларни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (сохталаштириш ва йўқ қилиш) мумкин эмас;

- блокчейн технологияси асосланган ҳужжатлар ҳакерлар ҳужумига бардошли технолгиядир, бу дегани блокчейн технологияси асосланган электрон далил учинчи шахларнинг аралашувига йўл қўйилмайди;

- блокчейн технологиясида марказий серверга ҳожат йўқ ва тармоқнинг барча иштирокчилари тенг ҳуқуққа эга. Тармоқдаги маълумотлар базаси ҳар бир фойдаланувчининг ўзида сақлайди.

Блокчейн технологияси асосланган далилларни сохталаштириш ҳамда ўзгартириш имкониятини мавжуд эмаслиги уни судлар томонидан мақбул далил сифатида баҳоланишига хизмат қилади.

Фуқаролик процессуал қонунчиликка асосан далилларнинг мақбуллиги бу қонун бўйича муайян исботлаш воситалари билан тасдиқланиши шарт бўлган ишнинг ҳолатлари бошқа ҳеч қандай исботлаш воситалари билан тасдиқланиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Электрон далилларни мақбулигини таъминлашда электрон ҳужжатлар, электрон битимларни блокчейн технологиясида тузиш ҳамда бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ёки Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тўғрисида”ги қонунига “Smart contract”лар, яъни ақлли шартномаларга оид нормалар киритиш лозим.

Ақлли шартнома бу крипто технологиясига асосланган шартнома ёки дастурлаш коди. Ақлли шартномаларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у номоддий протокол сифатида ўз-ўзидан бажарилади. Бошқача айтганда, ақлли шартнома қоидаларни белгилайди, шунингдек рақамли ижро агенти сифатида ишлайди. Ўз-ўзидан ишлайдиган рақамли табиат унга ҳар қандай бизнес ёки молиявий операцияларни бошқариш учун автоматик қувват беради.

Ақлли шартномалар тақсимланган блокчейн дафтарчаисда сақланганлиги сабабли уларни ўзгартириш мумкин эмас. Бундан ташқари, ахборот блокда ёки тугунда сақланганлиги сабабли бирор бир маълумот йўқолиши эҳтимоли йўқ[13].

Бизнинг назаримизда “Ўзбекистон Республикасининг” Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонуннинг 5¹ моддасини киритишни таклиф қиламиз. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонуннинг 5¹ моддасини “Ақлли шартномалар”, деб номланиб, у қуйидаги мазмунда бўлиши лозим:

“Ақлли шартнома бу блокчейн технологиясига асосланган икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги шартнома ёки дастурлаш коди.

Ақлли шартномаларга оид нормаларни киритилиши мамлакатимизда блокчейн технологиясини ривожланишига ҳамда фуқаролик суд ишларни юритишда электрон далилларни мақбул далил сифатида баҳолашга хизмат қилади”.

Бизнинг назаримизда нафақат шартномалар, балки бошқа ҳужжатлар ҳам блокчейн технологиясига асосланган ҳолда яратилиши электрон далилларни мақбаллик даражасини янада оширишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Эгамберидиев Э. Фуқаролик жараёни ҳуқуқида даъво муаммолари: диссер. ю.ф.д. Тошкент. 2007. 235 б. (Egamberdiyev E. Problems of claim in in civil proceedings: dissertation of Ds/ Tashkent. 2007. P. 235.)
2. Ворожбит С. П. Электронные средства доказывания в гражданском и арбитражном процессе: автореф. ... канд. юрид. наук. Санкт-Петербург. 2011.– С. 16. (Vorojbit S.P. Electronic evidence in civil and economical proceedings: dissertation of PhD/ Saint Petersburg. 2011.– P. 16).
3. Sean E. Goodison, Robert C. Davis, and Brian A. Jackson Digital evidence and the US. Criminal Justice System. 2015. At page 3.
4. Saferstein, Richard. A Simplified Guide to Digital Evidence. National Forensic Science Technology Center@NFSTC Largo, Florida 2015.
5. Фейзулла-Заде А. Допустимость электронных средств доказывания в гражданском судопроизводстве// Арбитражный и гражданский процесс. 2018. №6. –С. 40-41. (Fayzulla Zade. Admissibility of electronic evidence in civil proceedings: dissertation of PhD/ 2018.– P. 40-41).
6. Swarupa Dholam. Electronic evidence and its challenges. 2015. At page 14.

7. HON. PAUL W. GRIMM. Best practices for authenticating digital evidence 2016 LEG, Inc. d/b/a West Academic 444 Cedar Street, Suite 700 St. Paul, MN 55101 1-877-888-1330 Printed in the United States of America at page 14.
8. www.businessinsider.com
9. www.blockgeeks.com
10. www.ictnews.uz
11. www.blockgeeks.com
12. www.uzbek.uz
13. www.uz.mort-sure.com


ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.07-СУДЕБНАЯ ВЛАСТЬ. ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР. ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ. АДВОКАТУРА

Эралиев Аъзам Бахтиёр ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
академияси мустақил изланувчиси
E-mail: aazameraliev@gmail.com

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

For citation: Eraliev Azam Bakhtiyor ugli. FEATURES OF THE ORGANIZATION OF THE ACTIVITIES OF THE INTERNAL AFFAIRS BODIES IN EUROPEAN UNION STATES. Journal of Law Research. 2020, vol. 10, issue 5, pp. 31-38

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2020-10-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Европа Иттифоқининг Италия, Испания, Нидерландия, Белгия ва Люксембург давлатларида ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотларнинг генезиси ва ҳозирги ҳолати, полиция моделига ўтишнинг энг муҳим жиҳатлари, ҳуқуқий асослари атрофлича таҳлил қилинган.

Ушбу давлатлар тажрибасини ўрганиш мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолиятини янада ислоҳ қилиш нуктаи назаридан зарур ҳулосалар чиқаришга, полиция моделига ўтказиш бўйича қонунчиликка оид таклифлар ишлаб чиқишида муҳим аҳамият касб этади

Калит сўзлар: Европа Иттифоқи мамлакатлари, Италия, Испания, Нидерландия, Белгия, Люксембург, Ўзбекистон, ички ишлар органлари, полиция, ислохотлар, модернизация, жамоатчилик билан ҳамкорлик, профилактика.

Эралиев Аъзам Бахтиёр угли,
Самостоятельный соискатель Академии
Министерства внутренних дел Республики Узбекистан
E-mail: aazameraliev@gmail.com

ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ
В СТРАНАХ ЕВРОПЕЙСКОГО СОЮЗА

АННОТАЦИЯ

В статье проанализирован генезис и современное состояние реформ, осуществленных в системе органов внутренних дел в странах Европейского Союза таких как Италия, Испания, Нидерланды, Бельгия и Люксембург, а также основные моменты и правовые основы перехода к полицейской модели.

Изучение опыта этих стран имеет важное значение с точки зрения выработки заключений по совершенствованию деятельности органов внутренних дел и разработки предложений законодательства страны для прехода в полицейскую модель.

Ключевые слова: страны Европейского Союза, Италия, Испания, Нидерланды, Бельгия, Люксембург, Узбекистан, органы внутренних дел, полиция, реформа, модернизация, сотрудничество с общественностью, профилактика

Eraliev Azam Bakhtiyor ugli,
Independent researcher of Academy
of the Ministry of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan
E-mail: aazameraliev@gmail.com

FEATURES OF THE ORGANIZATION OF THE ACTIVITIES OF THE INTERNAL AFFAIRS BODIES IN EUROPEAN UNION STATES

ANNOTATION

The article analyzes the genesis and current state of reforms carried out in the system of internal affairs bodies of the European Union states as Italy, Spain, Netherlands, Belgium and Luxemburg, as well as the main points and legal bases of the transition to a police model. Also, proposals have been developed for the transition to the police model of the internal affairs bodies in Uzbekistan.

Studying the experience of these countries is important in terms of improving the activities of internal affairs bodies and developing proposals into national legislation for the transition to a police model.

Keywords: European Union states, Italy, Spain, Netherlands, Belgium, Luxemburg, Uzbekistan, internal affairs bodies, police, reform, modernization, cooperation with the public, prevention

Кириш.

Европа Иттифоқи мамлакатларида ички ишлар органлари фаолияти узоқ йиллар давомида ислоҳ этилиб, демократик-ҳуқуқий давлатнинг муҳим элементига айланиб улгурган. Шу маънода, мазкур давлатлар тажрибасини ўрганиш мамлакатимизда ички ишлар органлари фаолиятини янада ислоҳ қилиш нуқтаи назаридан зарур хулосалар чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, бу борада **Италия** тажрибасига мурожаат этадиган бўлсак, Италияда полиция вазифасини бажарадиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизими турли хил ташкилий тузилмалар ва бўйсунувга эга учта ҳуқуқий тузилмаларни қамраб олади. Биринчиси – давлат полицияси (Polizia di Stato – PDS), у жамоат хавфсизлиги полицияси деб ҳам аталади (Forze di pubblica sicurezza) – 1852 йилда ташкил этилган, Ички ишлар вазирлиги таркибига киради.

Давлат полицияси бугунги кунда Италия Ички ишлар вазирлигига бўйсунувчи фуқаролик ташкилоти бўлиб, Италиянинг барча вилоятларидаги вакиллик идораларига эга: вилоят марказларида полиция бўлимлари (Questure) ва кичик шаҳарлардаги комиссариатлар (Commissariati). Бундан ташқари, ушбу ташкилот таркибида йўл полицияси, чегара ва миграция полицияси, темир йўл полицияси, почта ва алоқа полицияси каби турли хил ихтисослаштирилган бўлинмалар ташкил этилган.

Жандармерия (Arma dei Carabinieri) ўзининг ҳуқуқий мақоми, ташкилоти, мақсадлари ва фаолият воситалари билан бошқа Европа мамлакатларидаги полиция кучларига ўхшаш (масалан, Франциядаги Gendarmerie Nationale, Испаниядаги Guardia Civil, Голландиядаги Koninklijke Marechaussee) ва Куролли Кучларнинг ажралмас қисми сифатида куролли ҳуқуқни муҳофаза қилиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва тергов ваколатларини амалга ошириш функциясияларини бажаради. Жандармерия Мудофаа вазирлигига ва қисман Италия Ички ишлар вазирлигига бўйсунди.

Молиявий гвардия (Corpo della Guardia di Finanza) солиқ қонунларига риоя этилишини назорат қилиш, шунингдек иқтисодий жиноятчилик ва контрабандага қарши курашиш

вазифаларини бажаради. Мамлакат қуролли кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш кучларининг ажралмас қисми сифатида у Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигига бўйсунди.

Жазони ижро этиш полицияси (Polizia Penitenziaria) қамокхоналарни назорат қилади, гумон қилинувчилар ва айбланувчиларни ушлаб туришни ва ушлаб турилганларни ташишни ташкил қилади. Адлия вазирлигига бўйсунди.

Ўрмон полицияси (Corpo Forestale dello Stato) ўрмонлар ва дарёларнинг ҳолатини, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилишни назорат қилади. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Ички ишлар вазирлигига бўйсунди, шунингдек атроф муҳит масалалари бўйича минтақа ва шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорлик қилади.

